

**“ШЕРОБОД ПАХТА ТОЗАЛАШ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ
АКЦИЯДОРЛАРИНИНГ ЙИЛЛИК УМУМИЙ ЙИҒИЛИШИ
1-СОН БАЁННОМАСИ**

Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани,
Мустақиллик кўчаси 1-уй

2020 йил 10 август

Умумий йиғилишнинг ўтиш жойи: Сурхондарё вилояти, Шеробод тумани, Мустақиллик кўчаси 1-уй, “Шеробод пахта тозалаш” АЖ маъмурий биносининг мажлислар зали.

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш бошланган вақт: **09:00**

Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш тугаган вақт: **09:50**

Акциядорлар умумий йиғилиш бошланган вақт: **10:00**

Жамиятнинг овоз берувчи акцияларига эгалик қилувчи акциядорлар эга бўлган овозларнинг умумий сони – 2 464 188.

“Шеробод пахта тозалаш” АЖ акциядорларининг навбатдаги йиллик умумий йиғилиши (келгусида матн давомида - Йиғилиш) жамият бош директорининг 2020 йил 15 июлдаги 01-12/42-сонли таклифи инobatга олиниб, кузатув кенгаши томонидан 2020 йил 17 июлдаги 14-сонли қабул қилинган қарорига мувофиқ ўтказилмоқда.

Йиғилишда иштирок этиш ҳуқуқига эга акциядорлар реестри тузилган сана – 2020 йил 4 август.

Ш.Курбанов йиғилиш раёсатини ва котибини сайлаш бўйича таклиф берди.

Акциядорлар томонидан очиқ овоз бериш йўли билан бир овоздан йиғилиш раёсатига қуйидагилар сайланди:

1. Курбанов Шамситулла Аллаевич – “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ бошқарув раиси вазифасини вақтинча бажарувчи-Йиғилишда раислик қилувчи;

2. Гулямов Нигматулло Кадилович – “Сурхондарё минтакавий пахта терминали” МЧЖ қимматли қоғозлар бўйича иқтисодчиси, кузатув кенгаш аъзоси;

3. Турсунов Неъмат Нормейлиевич – жамиятнинг ишлаб чиқариш бўйича директори, бош муҳандис.

Йиғилиш котиби этиб У.Зубаев – жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати бошлиғи сайланди.

Йиғилишни, йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов очди ва акциядорлар ҳамда йиғилиш катнашчиларини қутлаб, йиғилиш қворуми бўйича ахборот бериш учун сўзни санок комиссияси аъзоси У.Зубаевга берди.

Санок комиссияси ахбороти:

Қимматли қоғозлар Марказий Депозитарийси томонидан 2020 йил 4 август ҳолатига шакллантирилган “Шеробод пахта тозалаш” акциядорлик жамияти акциядорлар реестрига мувофиқ, йиғилишда овоз бериш учун 896 та акциядорга тегишли 2 464 188 дона акциялар катнашиши мумкин. Акциядорларни рўйхатдан ўтказиш вақти тугаганда, умумий миқдорда 1 266 780 дона овоз берувчи акцияларга эга бўлган 8 та акциядор (унинг вакили) рўйхатдан ўтди. Бу эса умумий овоз берувчи акцияларнинг 51,41%ни ташкил этади ва йиғилиш ваколатли (қворумга эга) ҳисобланади.

Йиғилишга таклиф этилганлар:

А.Турсунов – жамият тафтиш комиссияси раиси;

Ғ.Бойназаров – жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори;

Йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов йиғилиш кун тартибини эълон қилди.

КУНТАРТИБИ:

1. Санок комиссияси аъзолари сони ва шахсий таркибини тасдиқлаш.
2. Акциядорларнинг йиллик умумий йиғилишининг регламентини тасдиқлаш.
3. Жамиятнинг 2019 йил якуни ва бизнес режаси кўрсаткичларини бажарилиши бўйича жамият Бош директорининг ҳисоботини эшитиш.
4. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича йиллик бухгалтерия баланси ва молиявий натижаларини тасдиқлаш.
5. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра тафтиш комиссияси хулосасини тасдиқлаш.
6. Жамият кузатув кенгашининг 2019 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини эшитиш..
7. Жамиятнинг 2019 йил якунлари бўйича аудиторлик ташкилотларининг хулосаларини тасдиқлаш.
8. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш ҳисоботини тасдиқлаш.
9. Жамиятнинг 2019 йил якуни бўйича олинган соф фойдасини тақсимлаш.
10. Жамият ижроия органи раҳбари билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини узайтиришни кўриб чиқиш.
11. Жамиятнинг 2020 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича аудиторлик текширувини, шу жумладан Халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларнинг Халқаро аудит стандартларга мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш.
12. Жамиятнинг 2020 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш.
13. Жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш.
14. Жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
15. Жамият активларидан самарали фойдаланишни ташкил этиш, жумладан мулкларни оммавий савдоларда сотиш, маҳаллий ҳокимият ёки давлат бошқарув органлари балансига ўтказиш тўғрисида.
16. Жамиятнинг аффилланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимларни тасдиқлаш.
17. Жамият томонидан 2019 йил давомида амалга оширилган ҳомийлик ва беғараз ёрдамларни тасдиқлаш ҳамда жамият харажатиغا олиб бориш.
18. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг “Республика ҳудудларида пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришларини янада кенгайтириш чора тадбирлари тўғрисида” ги 2019 йил 18 ноябрдаги 914-сон қарори ижросини таъминлаш тўғрисида.
19. “Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 ноябрдаги 914-сон қарорига асосан “Шеробод пахта тозалаш” АЖ ҳамда пахта тайёрлаш пунктларининг бино ва иншоотларини пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришлари ва кластерлари ташкилотчиларига сотиш билан боғлиқ йирик битим тузиш тўғрисида”

Кун тартиби эълон қилинганидан сўнг, муҳокамага ўтилди.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов сўзга чиқиб, “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 66-моддасига асосан овозларни санаб чиқиш, акциядорларнинг умумий йиғилишида иштирок этиши учун акциядорларни рўйхатга олиш, шунингдек овоз бериш бюллетенларини тарқатиш учун жамият кузатув кенгаши томонидан санок комиссияси тузилиб, унинг аъзолари сони ва шахсий таркиби акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан тасдиқланишини айтди.

Шунга асосан, жамият кузатув кенгашинининг 2020 йил 17 июлдаги йиғилиш қарорига кўра санок комиссияси таркибига Зубаев Улуғбек Мухаммадиевич–Жамиятнинг акциядорлар билан корпоратив муносабатлар хизмати бошлиғи, Бойназаров Ғулом Худойназарович – Жамиятнинг Молиявий масалалар бўйича директори, материаллар бўйича катта хисобчи Шодмонов Хамро Ибрагимовичлар номзодларини киритиш таклифи берилган бўлиб, жамият акциядорларидан санок комиссияси сони ҳамда таркибини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар”–1 266 780 та овоз; “Қаршилар”–йўқ; “Бетарафлар”–йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги биринчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Уч кишидан иборат қуйидаги таркибда санок комиссияси тасдиқлансин:

- 1) Зубаев Улуғбек Мухаммадиевич;
- 2) Бойназаров Ғулом Худойназарович;
- 3) Шодмонов Хамро Ибрагимович.

2. Санок комиссияси аъзоларига бажарган ишлари билан боғлиқ харажатларни қоплаш мақсадида бир йилда бир марта энг кам ойлик иш ҳақининг 10 баробари миқдорида рағбатлантирилсин.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов сўзга чиқиб, йиғилиш регламентини йиғилиш қатнашчиларига ўқиб эшиттирди. Мазкур йиғилиш кун тартибида 19 та масала кўрсатилганлигини ва ҳар бир масала бўйича маърузачига - 5 (беш) дақиқадан, муҳокама учун - 5 (беш) дақиқагача вақт ажратилиши мақсадга мувофиқ эканлигини айтиб, жамият акциядорларидан акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши регламентини ушбу таклиф бўйича тасдиқлаш масаласига ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар”–1 266 780 та овоз; “Қаршилар”–йўқ; “Бетарафлар”– йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги иккинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамият акциядорлари йиллик умумий йиғилишининг регламенти тасдиқлансин.

Кун тартибидаги учинчи масала бўйича жамиятнинг ишлаб чиқариш бўйича директори, бош муҳандиси Н.Турсунов сўзга чиқиб, 2019 йилдаги жамият бош директорининг фаолияти бўйича ҳисобот берди (ҳисобот 1- илова қилинади).

Ҳисоботда жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар, ишлаб чиқариш, молиявий-ҳўжалик фаолияти ва

бизнес-режа бажарилиши тўғрисидаги кўрсаткичлар ҳамда ишчи-хизматчиларни ижтимоий ҳимоялаш бўйича амалга оширилган ишлар ўз аксини топган.

Йиғилиш қатнашчилари томонидан жамият бош директорининг 2019 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботи муҳокама қилиниб, йўл қўйилган камчиликлар юзасидан тегишли топшириқлар берилди.

Йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов акциядорлардан бош директорнинг 2019 йилдаги фаолиятига баҳо бериш ва унинг ҳисоботини маълумот учун қабул қилиш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар”–1 266 780 та овоз; “Қаршилар”-йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибдаги учинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамият ижроия органи раҳбарининг 2019 йилдаги фаолияти қониқарли деб топилсин ва ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

Кун тартибдаги тўртинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов жамият ҳисоб рақамида эркин маблағ бўлмаганлиги сабабли аудиторлик хизматлари учун тегишли шартномага асосан маблағлар ўтказиб берилмаганлиги учун аудиторлик ташкилотлари томонидан 2019 йил якуни бўйича аудитор хулосаси тақдим этилмаганлигини маълум қилди.

Шу сабабли ушбу масала жамият акциядорларининг кейинги, яъни навбатдан ташқари умумий йиғилишида кўриб чиқилиши ҳақида маълум қилди

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар”–йўқ; “Қаршилар”-йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар- 10044 та овоз.

Кун тартибдаги тўртинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қабул қилмади:

1. Жамиятнинг 2019 йил якунлари бўйича аудиторлик ташкилотларининг хулосалари олингандан сўнг жамият акциядорларининг кейинги, яъни навбатдан ташқари умумий йиғилишида кўриб чиқилсин.

Кун тартибдаги бешинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов жамиятнинг молиявий масалалар бўйича директори-бош ҳисобчи Ғ.Бойназаровга сўз берди.

Ғ.Бойназаров жамиятнинг 2019 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра тайёрланган тафтиш комиссияси хулосасини ўқиб эшиттирди (хулоса 2-илова қилинади).

Йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов акциядорлардан жамият тафтиш комиссиясининг хулосасини маълумот учун қабул қилишни таклиф этди ва ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар”–1 266 780 та овоз; “Қаршилар”-йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибдаги бешинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамиятнинг 2019 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини текшириш якунларига кўра тузилган Тафтиш комиссиясининг хулосаси маълумот учун қабул қилинсин.

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов сўзни қузатув кенгаш аъзоси Н.Гулямовга берди. У йиғилиш қатнашчиларига қузатув кенгашининг 2019 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини ўқиб эшиттирди (ҳисобот 3-илова қилинади).

Ҳисоботда асосан қузатув кенгаши томонидан жамиятни ривожлантириш стратегиясига эришиш бўйича кўрилатган чора-тадбирлар, ўтказилган йиғилишлар, йиғилишларда қабул қилинган қарорлар ўз аксини топган.

Йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов акциядорлардан жамият қузатув кенгашининг 2019 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботини маълумот учун қабул қилиш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 1 266 780 та овоз; “Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” – йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги олтинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамият қузатув кенгашининг 2019 йилдаги фаолияти бўйича ҳисоботи маълумот учун қабул қилинсин.

Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов акциядорлардан 2019 йил молия-хўжалик фаолияти якуни бўйича аудиторлик ташкилотларининг тегишли хулосалари олинмаганлиги сабабли кун тартибидаги еттинчи масала жамият акциядорларининг келгуси йиғилишида, яъни навбатдан ташқари умумий йиғилишида кўриб чиқилишини ва ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига овоз берилмасликни таклиф қилди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – йўқ; “Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” – йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги еттинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қабул қилинмади.

1. Жамиятнинг 2019 йил якунлари бўйича аудиторлик ташкилотларининг хулосалари олингандан сўнг жамият акциядорларининг кейинги, яъни навбатдан ташқари умумий йиғилишида кўриб чиқилсин.

Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов сўзни жамият ижрои органи Ғ.Бойназаровга берди.

Ғ.Бойназаров жамиятнинг 2019 йил якунлари бўйича корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш - Депозитарий "Сурхондарё ВАКТ" МЧЖ томонидан ўтказилганлигини маълум қилиб, ушбу ташкилотга кўрсатилган хизматлар учун шартномада кўрсатилган пул мабалағлари тўланмаганлиги сабабли хулоса тақдим этилмаганлигини айтиб ўтди.

Йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов акциядорлардан 2019 йил якунлари бўйича корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолашнинг тегишли хулосаси олинмаганлиги сабабли кун тартибидаги саккизинчи масала жамият акциядорларининг келгуси навбатдан ташқари умумий йиғилишида кўриб чиқилишини ва ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига овоз берилмасликни таклиф қилди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 10 044 та овоз; “Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар” – йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги саккизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қабул қилмади.

1. Жамиятнинг 2019 йил якунлари бўйича корпоратив бошқарув тизимини мустақил баҳолаш хисоботи олингандан сўнг жамият акциядорларининг кейинги, яъни навбатдан ташқари умумий йиғилишида кўриб чиқилсин.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов ўз сўзида 2019 йил якуни бўйича Миллий ва Халқаро стандартларга мувофиқ аудиторлик хулосалари олинмаганлиги сабабли “Сариосиё пахта тозалаш” АЖ томонидан 2019 йил якуни бўйича олинган соф фойда тақсимоти жамият акциядорларининг келгуси йиғилишида, яъни навбатдан ташқари умумий йиғилишида кўриб чиқилишини ва ушбу масала бўйича овоз бериш бюллетенларига овоз берилмасликни таклиф қилди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – йўқ; “Қаршилар”–йўқ; “Бетарафлар”–йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги тўққизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қабул қилинмади.

1. Жамиятнинг 2019 йил якунлари бўйича аудиторлик ташкилотларининг хулосалари олингандан сўнг жамият акциядорларининг кейинги, яъни навбатдан ташқари умумий йиғилишида жамият томонидан 2019 йил якуни бўйича олинган соф фойда тақсимоти кўриб чиқилсин.

Кун тартибидаги ўнинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов сўзга чиқиб, кузатув кенгашининг 2019 йил 14 сентябрдаги қарорига асосан жамият Бош директори Аликулов Дилмурод Аликулович ишлаб келмоқда ва меҳнат шартномасини узайтириш масаласи бўйича ўз маносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 1 258 512 та овоз; “Қаршилар” - 8 268 та овоз; “Бетарафлар”-йўқ; Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги бешинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамият Бош директори Аликулов Дилмурод Аликуловичнинг меҳнат шартномаси 1 йил муддатга узайтирилсин ва тасдиқлансин.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича жамият кузатув кенгаши аъзоси Ш.Курбанов сўзга чиқиб, жамиятда 2020 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини шу жумладан халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларнинг халқаро аудит стандартларига мувофиқ ташқи аудиторлик текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотларидан жамиятга келиб тушган қуйидаги тижорат таклифлари билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди:

Т/р	Аудиторлик ташкилотининг номи	Мурожаат санаси ва рақами	Миллий стандартлар бўйича аудиторлик текшируви учун (минг сўм)	Халқаро молиявий ҳисобот стандартлари бўйича аудиторлик текшируви учун (минг сўм)
-----	-------------------------------	---------------------------	--	---

1	“HIMOYA-AUDIT” МЧЖ	18.05.2020 й. 27/1 ва 17.05.2020 й. 28/1	5 500,0	6 000,0
2	“XB FINANSE KONSULTING” МЧЖ	18.05.2020 й. 36/20-сон	8 000,0	10 000,0
3	“NAZORAT-AUDIT” МЧЖ	18.05.2020 й. 50/20	9 000,0	10 000,0
4	“BALANS INFORM AUDIT” МЧЖ	17.05.2020 й. 05/16	5 500,0	5 500,0

Муҳокама давомида жамият акциядори У.Зубаев жамиятга келиб тушган тижорат таклифларни инобатга олган ҳолда, ташки аудиторлик текширувини ўтказиш учун аудиторлик ташкилотлари орасидан малакали мутахассисларга ҳамда энг қулай нархларга эга бўлган аудиторлик ташкилотини танлаш зарурлигини билдирди.

Шундан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов акциядорлардан 2020 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини шу жумладан халқаро стандартларга мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботларнинг халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувидан ўтказиш тўғрисида, аудиторлик ташкилотини ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг энг кўп миқдорини белгилаш масаласи бўйича ўз маносабатларини бюллетен орқали овоз беришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“HIMOYA-AUDIT” МЧЖ - Миллий аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун:

“Ёқлаганлар” –1 266 780 та овоз; “Қаршилар”–йўқ; “Бетарафлар”- йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар – йўқ.

Халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун:

“Ёқлаганлар” – йўқ; “Қаршилар” – йўқ; “Бетарафлар”- йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар – 10 044 та овоз.

“XB FINANSE KONSULTING” МЧЖ - Миллий аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун:

“Ёқлаганлар” –йўқ; “Қаршилар”–йўқ; “Бетарафлар”- йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар – йўқ.

Халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун:

“Ёқлаганлар” –йўқ; “Қаршилар”–йўқ; “Бетарафлар”- йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар – йўқ.

“NAZORAT-AUDIT” МЧЖ - Миллий аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун:

“Ёқлаганлар” –йўқ; “Қаршилар”–йўқ; “Бетарафлар”- йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар – йўқ.

Халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун:

“Ёқлаганлар” – йўқ; “Қаршилар”–йўқ; “Бетарафлар”- йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар – йўқ.

“BALANS INFORM AUDIT” МЧЖ - Миллий аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун:

“Ёқлаганлар” – йўқ; “Қаршилар”–йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар – йўқ.

Халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун:

“Ёқлаганлар” – 1 256 736 та овоз; “Қаршилар”–йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар – йўқ.

Кун тартибидаги ўн биринчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. 2020 йил якуни бўйича аудиторлик текширувини:

-Миллий аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун “ХИМОҲА-AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти танлансин ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг миқдори - 5500,0 минг сўм белгилансин;

-Халқаро аудит стандартларига мувофиқ аудиторлик текширувини ўтказиш учун “BALANS INFORM AUDIT” МЧЖ аудиторлик ташкилоти танлансин ва унинг хизматларига тўланадиган ҳақнинг миқдори 5500,0 минг сўм белгилансин.

2. Жамият ижроия органи раҳбарига:

-юқорида кўрсатилган аудиторлик ташкилотлари билан белгиланган тартибда шартномаларни тузсин;

-қонунчиликда белгиланган муддатларда жамият Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва кузатув кенгашига аудиторлик текшируви натижалари бўйича ҳисобот ва ҳулосаларни киритсин.

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича жамият молиявий масалалар бўйича директори-бош ҳисобчи Ғ.Бойназаровга сўз берилди ва у йиғилиш иштирокчилари эътиборига жамиятнинг 2020 йил учун мўлжалланган бизнес-режаси билан йиғилиш қатнашчиларини таништирди (бизнес-режа 4-илова қилинади).

Йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов акциядорлардан жамиятнинг 2020 йил учун мўлжалланган бизнес-режасини тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” –1 263 708 та овоз; “Қаршилар”–йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.
Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар 3072та.

Кун тартибидаги ўн иккинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамиятнинг 2020 йил учун мўлжалланган бизнес-режаси 4-иловага мувофиқ тасдиқлансин.

Кун тартибидаги ўн учинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов сўз олди ва жамият кузатув кенгаши аъзоларини сайлаш учун жамиятнинг 1256736 дона акция эгаси “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ томонидан кўрсатилган номзодлар, 51 864 дона оддий акция эгаси Аннаев Ўктам Давлятович томонидан кўрсатилган номзодлар тўғрисида маълумот берди.

Унга асосан Курбанов Фирдавс Кобилжонович– “Ўзпахтасаноат” АЖ Бошқарма бошлиғи, Самандаров Талъат Юлдашевич–“Давлат активларини бошқариш агентлиги” бошқарма бошлиғи, Халбаев Тўрамурод Жайлович–“Давлат

активларини бошқариш агентлиги" Сурхондарё вилоят худудий бошқармаси бош мутахассис, Халиков Сайдулло Мамаюсупович- "Давлат активларини бошқариш агентлиги" Сурхондарё вилоят бошқармаси бошқарма бошлиғи ўринбосари, Гулямов Нигматулло Кадирович -"Сурхондарё пахта минтақавий терминали" МЧЖ Қимматли қоғозлар бўйича иктисодчи, Курбанов Шамситулло Аллаевич – "Сурхондарёпахтасаноат" ХАБ АЖ бошқарув раиси в.в.б., Қодиров Ўткир Фозилович - "Сурхондарё минтақавий пахта терминали" МЧЖ Юк ҳужжатлари билан ишлаш оператори, Қаюмов Махмуд Маннонович-Депозитарий "Сурхондарё ВАҚТ" МЧЖ директори, акциядорлар номзодлари белгиланган тартибда кузатув кенгаши таркибига сайланиши учун кўрсатилган ва кумулятив овоз бериш бўйича бюллетенларига киритилган.

Муҳокамадан сўнг, йиғилишда раислик килувчи Ш.Курбанов акциядорлардан кузатув кенгашига кўрсатилган номзодларни сайлаш учун ўз муносабатларини кумулятив овоз бериш бўйича тузилган бюллетенлар орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

"Сурхондарёпахтасаноат" ХАБ АЖ томонидан кўрсатилган номзодлардан:

Самандаров Талъат Юлдашевичга:

"Ёқлаганлар" –1 466 192 та овоз; "Қаршилар"- йўқ; "Бетарафлар"- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар - йўқ.

Халбаев Тўрамурад Жайловичга:

"Ёқлаганлар" –1 466 192 та овоз; "Қаршилар"- йўқ; "Бетарафлар"- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар - йўқ.

Курбанов Фирдавс Қобилжонович:

"Ёқлаганлар" –1 466 192 та овоз; "Қаршилар"- йўқ; "Бетарафлар"- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар - йўқ.

Қурбанов Шамситулло Аллаевичга:

"Ёқлаганлар" –1 469 552 та овоз; "Қаршилар"- йўқ; "Бетарафлар"- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар - йўқ.

Гулямов Нигматулло Кадирович:

"Ёқлаганлар" –1 529 528 та овоз; "Қаршилар"- йўқ; "Бетарафлар"- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар - йўқ.

Халиков Сайдулло Мамаюсуповичга:

"Ёқлаганлар" –1 466 192 та овоз; "Қаршилар"- йўқ; "Бетарафлар"- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар - йўқ.

Аннаев Уктам Давлятович томонидан кўрсатилган номзодлардан

Қаюмов Махмуд Манноновичга:

"Ёқлаганлар" –3 612 та овоз; "Қаршилар"- йўқ; "Бетарафлар"- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар - йўқ.

Қодиров Ўткирбек Фозиловичга:

"Ёқлаганлар" –йўқ; "Қаршилар"- йўқ; "Бетарафлар"- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар - йўқ.

Кун тартибидаги ўн учинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

Жамият кузатув кенгаши аъзолигига қуйидагилар сайлансин:

"Сурхондарёпахтасаноат" ХАБ АЖ ва акциядорлар томонидан кўрсатилган номзодлардан:

1. Самандаров Талъат Юлдашевич – “Давлат активларини бошқариш агентлиги” Бошқарма бошлиғи

2. Халбаев Тўрамурод Жайлович– “Давлат активларини бошқариш агентлиги” Сурхондарё вилоят Худудий бошқармаси бош мутахассиси

3. Курбанов Фирдавс Кобилжонович – “Ўзпахтасаноат” АЖ Бошқарма бошлиғи ўринбосари;

4. Қурбонов Шамситулла Аллаевич - “Сурхондарё минтақавий пахта терминали” МЧЖ Бош ҳисобчи;

5. Гулямов Нигматулло Кадилович- "Сурхондарё минтақавий пахта терминали" МЧЖ кимматли қоғозлар бўйича иқтисодчи

6. Халиқов Сайдулло Мамаюсупович- “Давлат активларини бошқариш агентлиги” Сурхондарё вилоят Худудий бошқармаси бошқарма бошлиғи ўринбосари

Аннаев Ўктам Давлятович томонидан кўрсатилган номзодлардан:

1. Қаюмов Махмуд Маннонович - Депозитарий "Сурхондарё ВАҚТ" МЧЖ директори;

Кун тартибдаги ўн тўртинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов сўз олди ва жамият тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш учун жамиятнинг 1 256 736 дона акция эгаси “Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ томонидан кўрсатилган номзодлар, 51 864 дона оддий акция эгаси Аннаев Ўктам Давлятович томонидан кўрсатилган номзодлар тўғрисида маълумот берди.

Унга асосан, Хидиров Умарали Абдугаффарович-“Сурхондарё минтақавий пахта терминали” МЧЖ Иш ҳақи ҳисоб китоби бўйича бухгалтер, Турсунов Акмал Иброхимович-“Сурхондарё пахта минтақавий терминали” МЧЖ Бош бухгалтер ўринбосари, Қорабоев Фозил Абдухаликович-“Сурхондарё минтақавий пахта терминали” МЧЖ мухатассиси, Абдурахмонов Мухиддин Рахматуллаевич-“Давр мезони” МЧЖ мухбири.

Муҳокамадан сўнг, йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов акциядорлардан тафтиш комиссиясига кўрсатилган номзодларни сайлаш учун ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ томонидан кўрсатилган номзодлардан:

Хидиров Умарали Абдугаффаровичга;

“Ёклаганлар” – 1 265 436 та овоз; “Қаршилар”–йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Турсунов Акмал Иброхимовичга;

“Ёклаганлар” – 1 266 780 та овоз; “Қаршилар”–йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Қорабоев Фозил Абдухаликовичга:

“Ёклаганлар” – 1 266 780 та овоз; “Қаршилар”–йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Аннаев Ўктам Давлятович томонидан кўрсатилган номзодлардан:

Абдурахмонов Мухиддин Рахматуллаевичга:

“Ёклаганлар” – 1 344 та овоз; “Қаршилар”–йўқ; “Бетарафлар”–йўқ.

Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн тўртинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

Жамият тафтиш комиссияси аъзолигига қуйидагилар сайлансин:

“Сурхондарёпахтасаноат” ХАБ АЖ томонидан кўрсатилган номзодлардан:

1. Хидиров Умарали Абдугафарович - "Сурхондарё минтақавий пахта терминали" МЧЖ Иш ҳақи ҳисоб китоби бўйича бухгалтер;

2. Турсунов Акмал Иброхимович - "Сурхондарё минтақавий пахта терминали" МЧЖ Бош бухгалтер ўринбосари.

Қорабоев Фозил Абдухалиқович - "Сурхондарё минтақавий пахта терминали" МЧЖ мутахассиси.

Кун тартибидаги ўн бешинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш. Курбанов жамиятнинг ишлаб чиқариш бўйича директори, бош муҳандиси Н. Турсуновга сўз берди.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 14 майдаги 02/1-668-сонли “Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги “Пахтачилик соҳасида бозор тамойилларини кенг жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-4633-сон қарорига мувофиқ пахтачиликда бозор тамойиллари жорий этилиши муносабати билан “Ўзпахтасаноат” АЖни тугатиш бўйича “Йўл харита”сининг 1-банди “Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш комиссияси томонидан бажариладиган тадбирлар белгиланди.

Хусусан, “Ўзпахтасаноат” АЖ тизимидаги корхоналар ёки уларнинг активларини олиш истагини билдирган инвесторлар билан музокаралар ўтказиш, уларнинг таклифлари асосида объектнинг бошланғич нархини шакллантириш ва шу бошланғич шарт сифатида танлов савдоларига чиқариш, оммавий савдоларга икки ой муддат мобайнида таклиф этиш орқали Давлат тендер комиссияси қарори асосида сотиш чоралари кўриш “Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш комиссиясига топширилди.

Шунингдек Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2020 йил 8 майдаги “Ўзпахтасаноат” АЖни тугатишни жадаллаштириш бўйича 383/01-08-сонли хати билан “Ўзпахтасаноат” АЖ тизимидаги соҳавий ва носоҳавий активларни белгиланган тартибда сотишни ташкиллаштириш юзасидан берилган таклифларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасидан розилик (02/1-668-сонли, 11.05.2020 й.) олинди.

Шу муносабати билан “Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш комиссиясининг 2020 йил 18 майдаги мажлис қарори билан “Ўзпахтасаноат” АЖ ва унинг тизим корхоналарининг активлари (кўчмас мулк, акция (улуш) пакетлари)ни ошқора савдоларга чиқариш ёки Давлат тендер комиссиясининг қарорига асосан тўғридан-тўғри сотиш” Тартиби тасдиқланди (тартиб нуسخаси илова қилинди).

Мазкур Тартиб “Ўзпахтасаноат” АЖ ва унинг тизим корхоналарининг инвестиция портфелидаги акция (улуш)ларни, шунингдек улар балансидаги кўчмас мулк объектларини тасарруф этиш мезонлари ва сотиш жараёнларининг ягона қоидаларини белгилаш орқали уларни соддалаштириш асосида тугатилаётган “Ўзпахтасаноат” ва унинг тизим корхоналарининг активларини тезкор сотилишини ташкиллаштиришга қаратилган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 6 мартдаги ПҚ-4633-сон қарори, “Йўл харитаси”да белгиланган чора-тадбирлар ва Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2020 йил 11 майдаги 02/1-668-сонли топшириғи ижросини таъминлаш ҳамда “Ўзпахтасаноат” АЖ ва унинг тизим корхоналарининг активлари

сотилиши ва самарали фойдаланишини жадаллаштириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2020 йил 22 майдаги 418/01-08-сонли хати билан “Ўзпахтасаноат” АЖ тизим корхоналарининг активларини тасдиқланган Тартиб асосида оммавий савдоларга чиқарилишини, шу жумладан активларни оммавий савдоларга чиқариш масаласи бўйича тизим жамиятларининг бошқарув органлари қарорларини қабул қилиниши ташкиллаштириш, бошқарув органлари қарорлари қабул қилинган кундан бошлаб уч кунлик муддатда активларни оммавий савдоларга чиқарилишини таъминлаш сўралган.

Юқоридагилардан келиб чиқиб “Шеробод пахта тозалаш” АЖ активлари (кўчмас мулк, акция (улуш) пакетлари)ни ошқора савдоларга чиқариш ёки Давлат тендер комиссиясининг қарорига асосан тўғридан-тўғри сотишни ташкил қилиш юзасидан қуйидагилар таклиф этилди:

“Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш комиссиясининг 2020 йил 18 майдаги мажлис қарори билан тасдиқланган “Ўзпахтасаноат” АЖ ва унинг тизим корхоналарининг активлари (кўчмас мулк, акция (улуш) пакетлари)ни ошқора савдоларга чиқариш ёки Давлат тендер комиссиясининг қарорига асосан тўғридан-тўғри сотиш” Тартибига асосан сотилишига розилик бериш;

Активларнинг сотилишини максимал ошқоралигини таъминлаш, шу жумладан:

сотилиши мўлжалланган активлар тўғрисида маълумотларни (эълон, плакат, инфографика, ролик) етарли миқдорда тайёрлаш;

сотилиши мўлжалланган активлар тўғрисида маълумотлардан барча манфаатдор шахслар хабардор бўлишини таъминлаш мақсадида кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил қилиш, бунда жамият жойлашган ҳудуд билан чегараланмаган ҳолда республика, имконият бўлса халқаро миқёсда тадбирларни амалга ошириш;

талабгорлардан таклифларни қабул қилинишини белгиланган тартибда ташкил этиш ва таклифлар тўғрисидаги жамланма маълумотларни “Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш комиссиясига киритиб бориш;

Йиғилиш раиси Ш.Қурбонов акциядорларга кун тартибидаги мазкур кун масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” –1 266 780 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн бешинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. “Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш комиссиясининг 2020 йил 18 майдаги мажлис қарори билан “Ўзпахтасаноат” АЖ ва унинг тизим корхоналарининг активлари (кўчмас мулк, акция (улуш) пакетлари)ни ошқора савдоларга чиқариш ёки Давлат тендер комиссиясининг қарорига асосан тўғридан-тўғри сотиш” Тартиби ҳамда Ўзбекистон Республикаси Давлат активларини бошқариш агентлигининг 2020 йил 22 майдаги 418/01-08-сонли хати маълумот ва ишда фойдаланиш учун қабул қилинсин.

2. “Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш комиссиясининг 2020 йил 18 майдаги мажлис қарори билан тасдиқланган “Ўзпахтасаноат” АЖ ва унинг тизим корхоналарининг активлари (кўчмас мулк, акция (улуш) пакетлари)ни ошқора

савдоларга чиқариш ёки Давлат тендер комиссиясининг қарорига асосан тўғридан-тўғри сотиш” Тартибига асосан сотилишига розилик берилсин.

3. “Шеробод пахта тозалаш” АЖ бош директорига:

ўтказилган хатлов натижаларига кўра аниқланган активларнинг сотиш тартибини белгилаган ҳолда алоҳида гуруҳларга ажратиш;

қиймати қонунчиликда белгиланган йирик битимни ташкил этувчи активларни (мол-мулк, акция (улуш) пакетлари)ни амалдаги қонунчиликда белгиланган тартибда жамиятнинг ваколатли боошқарув органи қарорига асосан сотилишини таъминлаш;

активларнинг сотилишини максимал ошкоралигини таъминлаш, шу жумладан:

сотилиши мўлжалланган активлар тўғрисида маълумотларни (эълон, плакат, инфографика, ролик) етарли миқдорда тайёрлансин;

сотилиши мўлжалланган активлар тўғрисида маълумотлардан барча манфаатдор шахслар хабардор бўлишини таъминлаш мақсадида кенг қамровли тарғибот-ташвиқот ишларини ташкил қилиш, бунда жамият жойлашган ҳудуд билан чегараланмаган ҳолда республика, имконият бўлса халқаро миқёсда тадбирларни амалга оширилсин;

талабгорлардан таклифларни қабул қилинишини белгиланган тартибда ташкил этиш ва таклифлар тўғрисидаги жамланма маълумотларни “Ўзпахтасаноат” АЖ тугатиш комиссиясига киритиб бориш вазифалари топширилсин.

Кун тартибидаги ўн олтинчи масала бўйичайиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов ўн олтинчи масала бўйича Жамиятнинг аффилланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимларни тасдиқлаш ҳақида айтиб ўтиб, тасдиқлаш масаласи бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришларини сўради.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” –1 266 780 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ.Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн олтинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

Жамиятнинг аффилланган шахслари билан келгусида жамият томонидан кундалик хўжалик фаолияти жараёнида акциядорларнинг кейинги йиллик умумий йиғилишигача бўлган даврда тузилиши мумкин бўлган битимлар 5-иловаларга мувофиқ тасдиқлансин.

Кун тартибидаги ўн еттинчидан масала бўйичайиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов сўзни жамият молиявий масалалар бўйича директори-бош ҳисобчи Ғ.Бойназаровга берди.

Ғ.Бойназаров акциядорларга жамият томонидан 2019 йил давомида амалга оширилган ҳомийликлар тўғрисида акциядорларга ахборот берди(маълумот 6-илова қилинади).

Муҳокамада жамиятнинг Акциядорлар билан ва корпоратив муносабатлар хизмати бошлиғи У. Зубаев иштирок этиб, ҳар бир ҳомийлик мақсадли равишда Ҳукумат дастурлари асосида амалга оширилганлигини таъкидлаб, 2019 йилда 114 500 000 сўмлик ҳомийликларни рўйхатга асосан тасдиқланишини ҳамда жамият харажатига олиб боришга розилик берилишини йиғилиш иштирокчиларидан сўради.

Йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов акциядорларга мазкур кун тартибидаги масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 1 266 780 та овоз; “Қаршилар”- йўқ; “Бетарафлар”- йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн еттинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Жамият томонидан 2019 йил давомида амалга оширилган хомийликлар рўйхати 6-иловага мувофиқ тасдиқлансин ва жамият харажатиغا олиб борилсин.

Кун тартибидаги ўн саккизинчи масала бўйича йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов йиғилиш қатнашчиларига Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 ноябрдаги 914-сон қарори билан таништирди.

Мазкур қарорда “Шеробод пахта тозалаш” АЖ ва жамиятга қарашли пахта тайёрлаш масканларининг бино-иншоотларини “Сурхондарё Агрохизмат” МЧЖга инвестициялар киритган ҳолда, 5 йил муддатда бўлиб тўлаш (тенг миқдордаги йиллик тўловлар) шarti билан баҳолаш қийматида сотиш белгиланганлиги хақида батафсил маълум қилди.

Йиғилишда раислик қилувчи Ш.Курбанов акциядорларга кун тартибидаги мазкур масала бўйича ўз муносабатларини бюллетенда овоз бериш орқали билдиришни таклиф этди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 1 260 468 та овоз; “Қаршилар” - 6972 та овоз; “Бетарафлар”- йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Кун тартибидаги ўн саккизинчи масала бўйича акциядорларнинг йиллик умумий йиғилиши қарор қилади:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 ноябрдаги 914-сон қарори ижро учун қабул қилинсин.

Кун тартибидаги ўн тўққизинчи масала бўйича жамият Кузатув кенгаши аъзоси Ш.Курбанов сўзга чиқиб, қуйидагиларни билдириб ўтди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 ноябрдаги “Республика ҳудудларида пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини жорий этиш механизмларини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 914-сонли қарорига кўра, “Шеробод пахта тозалаш” АЖ ва унинг “Дўстлик”, “У.Юсупов”, “Бўстон” ва “Таллашкон” пахта тайёрлаш пунктлари “Surxondaryo Agroxizmat” МЧЖ (пахта тўқимачилик кластери)га сотилиши белгиланган.

Ўзбекистон Республикасининг “Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги қонунига кўра, жамият мол-мулкларининг бозор қиймати тегишли баҳолаш ташкилотлар томонидан аниқланиб, ушбу баҳолаш ҳисоботининг ишончлилиги бўйича экспертизадан ўтказилган.

Сотилиш белгиланган мол-мулклар, ушбу қонуннинг талабларига кўра, йирик битим бўлганлиги учун бундай битим тузиш тўғрисидаги қарор қабул қилиш жамият акциядорлари умумий йиғилишининг ваколатига қиради.

Баланс қиймати ёки олиш қиймати битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилинаётган санада жамият соф активлари миқдорининг эллик фоизидан ортигини ташкил этувчи мол-мулк хусусида йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан қабул қилинади.

Йирик битим жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ёки кузатув кенгаши ушбу битим бўйича қарор қабул қилганидан кейин жамиятнинг ижроия органи томонидан амалга оширилади. Бунда йирик битим тузиш тўғрисидаги қарор мол-мулкнинг қонун ҳужжатларига мувофиқ баҳоловчи ташкилот томонидан белгиланган бозор қиймати ҳисобга олинган, мустақил ташқи аудиторлик ташкилоти томонидан битимнинг шартлари ўрганилган ҳолда мажбурий тартибда қабул қилинади.

Кун тартибидаги масала бўйича умумий йиғилишда иштирок этаётган “Surxondaryo Agroxizmat” МЧЖ (пахта тўқимачилик кластери) директори Б.Абдуолимов қуйидагича фикр билдириб, “Шеробод пахта тозалаш” АЖ ва пахта тайёрлаш пунктларини баҳолаш ҳисоботларига қарши эканлигини, сабаби, баҳолаш нафақат Ўзбекистон Республикасининг “Баҳолаш тўғрисида”ги қонуни, балки бино-иншоотларнинг эскириш қиймати, инфраструктура жойлашуви ва бошқа омилларни инобатга олинмасдан, ҳақиқий қийматга нисбатан юқори баҳоланган. Биз, ушбу масала бўйича 2020 йил 04 июлдаги 209-сонли, 2020 йил 10 августда 243-сонли хат билан жамият кузатув кенгаши ва жамият ижроия органига ёзма равишда мурожаат қилганмиз. Шунинг учун жамият мол-мулкларини сотиб олиш бўйича шартнома тузилишини, мол-мулкларни қайта баҳолатлаганидан кейин амалга оширилишини илтимос қилди.

Кун тартибидаги масала овоз беришда қатнашаётган акциядорлар томонидан муҳокама қилинди ва овозга қўйилди.

Ушбу масала юзасидан овоз бериш натижалари:

“Ёқлаганлар” – 1 260 468 та овоз; “Қаршилар”- 6972 та овоз; “Бетарафлар”- йўқ. Нотўғри тўлдирилган бюллетенлар йўқ.

Овоз бериш натижаларидан келиб чиқиб, кун тартибидаги 19-масала юзасидан Акциядорлар умумий йиғилиши қарор қилинди:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 18 ноябрдаги “Республика ҳудудларида пахта-тўқимачилик ишлаб чиқаришини жорий этиш механизмларини янада кенгайтириш чоратadbирлари тўғрисида”ги 914-сонли қарорига кўра, “Шеробод пахта тозалаш” АЖ ва унинг “Дўстлик”, “У.Юсупов”, “Бўстон” ва “Таллашкон” пахта тайёрлаш пунктларини “Surxondaryo Agroxizmat” МЧЖ (пахта тўқимачилик кластери)га сотиш мақсадида, “Шеробод пахта тозалаш” АЖ ва унинг пахта тайёрлаш пунктларини бозор қийматини аниқлаш учун қайта баҳолансин ва экспертизадан ўтказилсин.

2. Кузатув кенгаши жамият мол-мулкларининг бозор қийматини белгилаш бўйича жамият томонидан баҳоловчи ва экспертизадан ўтказувчи ташкилотлар билан шартномалар тузилишини ташкил этсин.

3. Баҳолаш ва экспертиза яқунлари бўйича “Шеробод пахта тозалаш” АЖ ва унинг пахта тайёрлаш пунктларини “Surxondaryo Agroxizmat” МЧЖ (пахта тўқимачилик кластери) га сотиш бўйича йирик битим тузиш тўғрисида қарор қабул қилиш масаласини жамият акциядорларининг навбатдан ташқари йиғилиши кун тартибига киритсин.

Йиғилишда раислик қилувчи:

Ш. Қурбанов

Йиғилиш котиби:

У.Зубаев

Йиғилиш баённомаси 2020 йил 20 август кuni икки нусхада тузилди.